

35 Ягона Ватан,  
ягона халқ бўлиб,  
янги ҳаёт ва  
келажак яратамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA № 15 (1583) 2026-YIL 17-APREL, JUMA

adolat24.uz/  
t.me/Gazeta\_Adolat



## ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

икки Ренессанснинг гувоҳи ва учинчи Ренессанснинг пойдевори ёхуд Тошкентда қад ростлаган дунёнинг саккизинчи мўъжизаси ҳақида



## НАТИЖАЛАРИМИЗ САЛМОҚЛИ, МАРРАМИЗ ЮКСАК



Робахон МАХМУДОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасидаги "Адолат" СДП  
фракцияси раҳбари

Фидойилик,  
юрт тараққиётига  
дахлдорлик ва  
халқ вакиллиги  
масъулияти

Бугун парламентдаги ҳар бир депутат ўз фаолиятини айнан мана шу эзгу тамойилларга таянган ҳолда ташкил этмоқда. Қонун ижодкорлигида халқчиллик, сайловчилар ишончини оқлаш ва жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш биз учун шунчаки вазифа эмас, балки олий мақсадга айланган. Шу маънода жорий йилнинг биринчи чораги "Адолат" СДП фракцияси учун нафақат ҳисобот даври, балки халқимиз манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва адолат мезонларини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим давр бўлди.

## АХОЛИ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Бухородаги ижтимоий-иқтисодий  
ҳолат Мақсуд Курбонбоев  
эътиборида бўлди



## ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРГАН ТАШРИФ



## ВИЖДОН СОЛИФИ: ВАТАН БОЙЛИГИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА





Муносабат

# ХАЛҚ — янги давр ва фаровон келажак бунёдкори

Мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллик тарихий даври мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб бурилиш ва миллий давлатчилик асосларининг сифат жиҳатидан янгилиниш босқичига айланди.



**Наримон УМАРОВ,**  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатасидаги  
“Адолат” СДП  
фракцияси  
аъзоси

Президентимизнинг қарорига мувофиқ, бу йилги тантаналар “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган олижаноб ғоя асосида ўтказилди. Ушбу тарихий сана нафақат босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилиш, балки Янги таҳрирдаги Конституция асосида давлатчилик пойдеворини янада мустаҳкамлаш ва демократик тамойилларни жамият ҳаётига чуқур татбиқ этишининг амалий ифодасига айланди.

Мамлакат иқтисодиётида эришилган натижалар ислохотларнинг нақадар тўғри танланганини исботламоқда. Хусусан, 2026 йил якунига қўра, Ўзбекистоннинг янги ички маҳсулоти (ЙИМ) ҳажми 167 миллиард долларга етиши прогноз қилинмоқда, бу эса 2025 йилдаги 147 миллиард долларлик кўрсаткичдан анча юқори эканини аниқлатади.

Шу билан бирга, камбағалликни қисқартириш бўйича тизимли ишлар натижа-сида шу йил охиригача ушбу соҳадаги кўрсаткични камида 2 бараварга камай-тириш мақсад қилинган. Бу мақсадга эришиш учун янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағал оилалар билан индивидуал ишлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимиз барча соҳаларда чуқур ислохотлар майдонига айланди. Бу ислохотлар марказида, аввало, инсон капитали туради. Шу нуқтаи назардан ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимида амалга оширилган ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Олий таълим билан қамров даражаси 43 фоиздан ортиққа етказилди, талабалар сони эса 1,2 миллион нафардан ошди. Мактабгача таълим ташкилотлари сонининг 1,4 мингдан 31 минггагача кўпайиши болаларнинг сифатли таълим олиши учун кенг имкониятлар яратди. Мактаб таълими тизими тўлиқ янгилашиб, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартлари жорий этилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50 фоиздан ортигини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу кўрсаткич мамлакатимиз учун беқиёс “демографик дивиденд” ва улкан иқтисодий имконият демакдир. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган стратегик ислохотларнинг бош мақсади — мана шу улкан салоҳиятини миллий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантиришдан иборат.

Ёшларга доир ислохотларнинг биринчи устувор йўналиши — инсон капиталига инвестиция киритишдир. Замонавий таълим тизими нафақат назарий билим бериш, балки ёшларни рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўқитишга йўналтирилган. Бу жараёнда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни глобал рақобатга тайёрлаш давлат сисъатининг марказида турибди.

Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб бурилишлар амалга оширилмоқда. 2026 йилнинг бошида соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажми 3,5 триллион сўмга етиб, аҳолининг тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш даражаси ортди. Соҳада рақамлаштириш ва юқори технология тиббий амалиётларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Сиёсий тизимда кўппартиявийлик муҳитининг мустаҳкамланиши ва партиялар-аро соғлом рақобатнинг кучайиши жамиятда фикрлар хилма-хиллигини таъминламоқда. Парламент ваколатларининг кенгайтирилиши ва ҳукумат устидан парла-мент назоратининг кучайтирилиши давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб тури-ш ва мувозанат тамойилини янги босқичга олиб чиқди. Конституцияда илк бор фуқаролик жамияти институтларига алоҳида боб ажратилиши эса демократик ян-гиликларнинг муҳим бўлини белгилади. Дарҳақиқат, ҳуқуқий, демократик ва ижти-моий давлатнинг негизини фуқаролик жамияти институтлари ташкил этади.

Айниқса, Янги таҳрирдаги Конституцияда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон дек-ларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатларда белгиланган инсон ҳуқуқларини химоя қи-лиш соҳасидаги халқаро стандартлар, хусусан, гендер тенглик қоидалари акс этган.

Мустақилликнинг 35 йиллиги нафақат зафарли йўлнинг байрами, балки Янги Ўзбекистон тараққиётининг амалий натижасидир. Конституциявий ислохот-лар, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий соҳалардаги юксалишлар мамлакатим-из суверенитетини асраш ҳамда халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш-нинг энг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

## Фракция йиғилиши ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ХАВФСИЗ МУҲИТ ТАЪМИНЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғили-шида дастлаб жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш масалалари юзасидан бўлиб ўтган видеосеминар йиғилишининг ахамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар сўнги тўққиз йилда 1,5 мингдан зиёд маҳаллада 1 минг 774 та замонавий спорт майдончаси барпо этилган, худудларда 200 дан ортиқ йирик спорт иншооти, 4 мингга яқин хусусий спорт клуби иш бошлаганини алоҳида эътироф этдилар.

Соҳада белгиланган устувор вазифалар нафақат спорт натижаларини ях-шилаш, балки яқинда қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуннинг амалга самарали татбиқ этилишига ҳамда бу орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялашга хиз-мат қилиши ургуланди.

Йиғилишда уюшган ва жамоат жойларидаги жиноятчиликка қарши курашиш механизмларини кучайтиришга қaratилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексига жиний уюшма фаолиятини мо-лиялаштиришга қарши алоҳида жавобгарлик киритиш, бундай шахсларга нисба-тан жазони ўтказдан мuddатидан илгари шартли озод қилишни қўлламаслик на-зарда тутилмоқда.

Амалдаги қонунчиликда жиний уюшма ташкил этиш ёки унга раҳбарлик қилган учун жавобгарлик мавжуд бўлса-да, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда жиний уюшмаларга ҳомийлик қилиш учун жавобгарлик назарда тутилма-ган эди. Қонун лойиҳаси билан, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда жиний уюшмаларга ҳомийлик қилганлик учун ҳам жавобгарлик белгилаш тақдир этилмоқда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳи-яти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, тақдиф ва тавсияларини билдирди.

— Мазкур қонун лойиҳаси фракциядаги йиғилишда атрофлича кўриб чиқилди, — деди фракция аъзоси Шуҳрат Якубов. — Ушбу ҳужжат мамлакатимизда ти-ч-лик ва осойишталикни таъминлаш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш ҳамда жиноятларнинг барвақт олдини олишни на-зарда тутди. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат жойларида хавфсиз муҳитни таъминлашга хизмат қилишни эътиборга олиб, уни маъқулладик.

Фракция йиғилишида кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

# НАТИЖАЛАРИМИЗ САДМОҚДА, МАРРАМИЗ ЮКСАК

## ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИДА ХАЛҚЧИЛЛИККА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИК

1 Албатта, бу борада Президентимиз бошчилигида қабул қилин-ган муҳим ҳужжатлар — “Ўзбекис-тон — 2030” стратегияси, “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт страте-гияси”, “Маҳаллани қўллаб-қувват-лаш ва жамиятни юксалтириш йили” Давлат дастурида белгиланган усту-вор мақсадлар, айниқса, “маҳаллабай” ишлаш тизими ва ижтимоий адолатни куйи бўғиндан бошлаб мустаҳкамлаш талаби “Адолат” СДП фракцияси ол-дига қатор муҳим вазифаларни қўйди.

Зеро, биз учун ҳар бир рақам ор-тида инсон тақдири ва жамият ман-фаати туради. Жорий йилнинг ўтган даврида фракцияимиз мажлисларида жами 99 та муҳим масалани муҳока-ма қилдик. Шундан 56 таси бевосита қо-нун ижодкорлигига йўналтирилган бў-либ, уларнинг ҳар бирини халқимиз ҳаётини яхшилашга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизм сифатида тақомил-лаштиришга интилдик. Зотан, ҳар бир қабул қилинаётган қонун нормасида адолат тамойили акс этсин, ҳар бир ташаббус маҳалла ва хонадонларга-ча кириб бориб, инсон қадрини улуғлашга хизмат қилсин.

Айтилик, улар орасида биз учун энг муҳим ташаббуслардан бири — маҳаллий Кенгашларнинг нуфузини оширишга оид қонунчилик нормаси бўлди. Маълумки, бугун Кенгашларда кўрилаётган масалалар кўлами тобора кенгаймоқда. Шу боис, фракцияимиз “Кенгаш раёсати” ва “Кенгаш соати” каби янги институтларни жорий этиш тақдирини илгари сурди. Бу ташаб-бус орқали депутатларимиз мутасадди раҳбарлардан энг долзарб муаммолар бўйича бевосита ҳажоб олиш имконига эга бўладилар.

Биз кўриб чиққан ҳар бир қонун лойиҳаси замирида халқимиз учун қу-лай, керакли, манфаатли бўлган ўз-гаришларни амалга ошириш мақсади ётибди. Масалан, маъмурий суд ишла-рини ислоҳ қилиш орқали фуқаро ва тадбиркорнинг давлат идораси билан низосида адолат ўрнатиш, судга бўл-ган ишончини мустаҳкамлашга эътибор қаратдик.

Хотин-қизларни зўравонликдан ҳи-моя қилиш ва бола манфаатларини ҳар қандай вазиятда устувор деб би-лиш — бизнинг инсонийлик бурчи-мизидир. Бу борадаги қонунчиликни эса халқаро андозалар билан уйғун-лаштирдик.

## ОЧИҚ МУЛОҚОТДАН АМАЛИЙ САМАРАДОРЛИК САРИ

Бизнинг иш услубимиз — “Фракция — марказ — вилоят — туман” занжирини асо-сида қурилган. Қонун лойиҳаларини фақат ишхонада эмас, маҳаллаларда, сайловчиларимиз иштирокида пиши-тириб олмақдамиз. Креатив иқтисодиёт-дан тортиб, сейсмик хавфсизликкача бўлган масалаларда халқимиз берган тақдирларини олиб, қонунларимизга ҳаётийлик бахш этишга ҳисса қўшидик. Буни “адолатчи” депутатлар томони-

дан олиб борилган 685 та юзма-юз уч-рашув, 16 мингдан зиёд фуқаро билан мулоқот ҳамда мингга яқин тадбиркор муаммосига қулоқ тутилганида яққол кўриш мумкин.

Шунингдек, фракцияимиз аъзолари билан 177 та хонадон ва 265 та маҳал-лада бўлиб, “маҳалла еттичилиги”, ай-ниқса, профилактика инспекторлари билан жиноятчиликка қарши курашиш бўйича янги тақдирлар устида ишла-дик. Зотан, парламент назорати биз учун тизимли муаммоларни жойида ҳал этиш имкониятидир. Шундан ке-либ чиқиб, мутасаддиларга халқимиз ва айрим юртдошларимиз учун муҳим бўлган турли йўналиш ва масала-ларда 6 та асосланган депутат-лик сўрови юбордик.

Фуқароларнинг адолат ва ҳақиқат истаб қилган мурожаатларига эътибор қаратиш ва комплекс ҳал этиш ижти-моий масъулиятимизни янада оши-ради. Шу тўғрисида биринчи чорак даво-мида келиб тушган мурожаатнинг ҳар бирини атрофлича ўргандик. Уларнинг айримларига жойида ижобий ечим то-пиб, маълум қисми юзасидан фуқаро-ларга ҳуқуқий тушунтириш бердик.

## ҒОЛИБ БЎЛМАДИ ДЕГАНИ, ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ДЕГАНИ ЭМАС

Ҳозир маҳаллаларимиздаги ижти-моий муаммоларни ҳал этиш учун, ал-батта, юқоридан кимдир келиши шарт эмас. Сабаби, “Ташаббусли бюджет” фуқаролик жамиятининг ҳақиқий драй-верига айланиб, давлат маблағларини шаффоф тақсимлашда амалий са-мара бермоқда. Энг муҳими, юртдош-ларимиз ўз тақдирига дахлдор маса-лаларда бевосита иштирок этиш имко-ниятини қўлга киритди. Бироқ тан олиш керак, овоз йиғиш жараёнида объектив сабабларга қўра ғолиб бўлмаган, аммо ечимни кечиктириб бўлма-с, дол-зарб ижтимоий масалалар ҳам бор.

Бундай вазиятда лойиҳаси қўл-лаб-қувватланмаган фуқароларнинг шашти сўниши, жараёнда рақобатга нисбатан адолатсизлик туйғуси ёки тизимга ишонсизлик пайдо бўлиш хавфи бор. Олий Мажлис Қонунчи-лик палатаси депутатларига ўз сай-лов округларидаги муайян мезонларга жавоб берадиган, лекин етарли овоз тўплай олмаган лойиҳаларга маблағ ажратиш ва уларни “ғолиб” деб топиш ваколати берилган ижтимоий адо-латни тиклаш йўлидаги оқилона қа-дам бўлди. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, зарурат юқори бўлган лойиҳа-ларни саралаш учун худудларга чиққан партияимиз фракцияси аъзолари яқу-ний қарор қабул қилишда “етти ўлчаб, бир кесишди”.

Ахир бир туман ёки шаҳарнинг ўзи-дан ушбу жараёнда ўнлаб лойиҳалар иштирок этади. Ҳар бир ташаббус ор-тида инсонлар дарди, маҳалла аҳли-нинг умиди турганини инобатга олсак, ҳар ким учун ўз муаммоси энг биринчи даражада туюлиши табиий. Аммо де-путат мана шундай мураккаб паллада ҳиссиётларга берилмасдан, лойиҳа-ларнинг ичидан энг оғир, ижтимоий юқи салмоқли ва кўпчилигининг ман-фаатига хизмат қиладиганини танлаб

олиши шарт эди. Бунда адолат мезони ва юксак масъулият халқ вакилининг асосий дастуриламали бўлди.

Яқуний сарҳисобга қўра, фракция аъзолари умумий қиймати 31 милли-ард 508 миллион 177 минг 756 сўм бўлган 20 та лойиҳага қайта ҳаёт “бахш этишди”. Бу орқали эндиликда таъмирталаб аҳволдаги жами 19 минг 482 метр узунликдаги ички йўлларга асфальт ётқизиш, шунингдек, ичимлик суви ва электр таъминоти тармоқла-рини тортиш ва яхшилаш, мактаб ва боғчалар инфратузилмасини тубдан янгилаш каби оғриқли, йиллар даво-мида ечимини кутган масалалар ҳал қилинади.

## ИНСОН МАНФААТИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА

Бугун ахборот технологиялари ҳа-ётимизга шиддат билан кириб бора-ётган бир пайтда, минг афсуски, фи-рибгарликнинг янги ва хавфли кўри-нишлари ҳам кўпаймоқда. Қўллаб-қувватлашнинг молявий ва маънавий зарар кўраётгани бизни бе-фарқ қолдирмади. Шу боис партияимиз ташаббуси билан Адлия, Ички ишлар вазирлиги ва Маҳаллалар уюшмаси ҳамкорлигида “Огоҳ бўлинг, фириб-гар!” акциясини юқори савияда ўтказ-дик. Жараён доирасидаги 1 600 дан ортиқ жонли мулоқотлар давомида 62 минг нафардан зиёд фуқароларимиз билан юзма-юз гаплашиб, уларни бу тузоқлардан қандай химояланиш бо-расида оғohlантирганимиз жамиятда ўзига хос “ҳуқуқий қалқон” бўлди, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари-нинг аёллар ва болалар ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича ПФ-33-сонли фармони биз учун муҳим амалий ҳа-ракатлар дастурига айланди. Партия фаоллари, “Адолатчи аёллар” ва “Еш адолатчилар” қаноти аъзолари бил-лан биргаликда хонадонларга кириб бордик. Мақсадимиз аниқ — жамиятда зўравонликка нисбатан мутлақо муро-сасиз муҳит яратиш. Айниқса, эрта ни-коҳларнинг олдини олиш, ёшларни оила-онгли равишда тайёрлаш ва 21 ёшдан кейин турмуш қуришнинг ижти-моий-ҳуқуқий аҳамиятини тушунтириш орқали мустаҳкам оилалар сонини оширишга бор кучимизни сафарбар эт-ганимиз ҳам яхши натижа берди.

## ЁШЛАР — ЯНГИ ДАВР ВА ЯНГИ ҒОЯЛАР ДРАЙВЕРИ

Партияимиз аъзоларининг ярми-дан кўпи ёшлардан иборатлиги бизга алоҳида масъулият оқлайди. Давлат раҳбарининг ёшлар билан мулоқо-

тида белгиланган вазифалар ижро-сини таъминлаш мақсадида фрак-цияимиз аъзолари ҳар пайшанба — “Ёшлар кўни” доирасида ёш авлод-нинг тақдиф ва ташаббусларини эши-тиб, ёшлар сиёсати ва ҳаётбахш ис-лохотлар мазмун-моҳиятини тушу-нтириб бермоқда.

Биз учун энг муҳим савол: бугун ёшларни нима қизиқтиради ва улар-нинг салоҳиятини юзага чиқариш учун яна нималар қилишимиз керак? Тан олиш лозим, илгари депутат ва ёшлар ўртасида бундай жонли, ти-зимли мулоқот механизми мавжуд эмас эди. Бугун эса биз нафақат улар-нинг тақдифларини эшитаяпмиз, балки ёшларни қонун ижодкорлиги жараёни-нинг фаол иштирокчисига айлантир-моқдамиз. Зеро, бугунги авлод — юр-тимиз тараққиётининг энг қудратли ҳа-ракатлантирувчи кучидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Фаргона туманидаги иختисослашти-рилган мактаб, Тошкент давлат аграр университети, Фаргона шаҳридаги Президент мактаби ва юридик техни-куми, Нурафшон шаҳридаги Ёшлар маркази ва “Алфараганус” универси-тети, Тошкент шаҳридаги юридик тех-никуми, Фаргона давлат техника уни-верситети ва бошқа худудларда ўтказ-ган “Раҳбар ва ёшлар” форматидagi учрашувларимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. Мулоқотлар даво-мида ёшлар томонидан таълим сифа-тини ошириш, рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий тартибга солиш ва стар-тап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича берилган ўнлаб тақдирлар фракцияимиз томонидан қонунчилик та-шаббуси сифатида ўрганилмоқда.

## ОЧИҚЛИК — ИСТИҚБОЛ ДЕГАНИ

Халқ ўз вакилини нафақат сайлов-олди учрашувларида, балки ҳар кун-лик иш жараёнида, муҳим қонунлар муҳокамасида ва муаммолар ечимида кўришни истади. Бугунги кун депутати нафақат минбарда сўзлаши, балки замонавий ахборот технологиялари орқали ҳар бир фуқаро билан доимий ва жонли мулоқотда бўлиши шарт.

Бизнинг ҳар бир қадамимиз, илгари сураётган ташаббусларимиз сайлов-чиларимиз учун очик ва тушунарли бў-лиши — фаолиятимизнинг бош тамойи-лидир. Шу боис ўтган чоракда фракция фаолияти ОАВда кенг ва тезкор ёри-тилди: жами 1 915 та чиқиш, шундан телевидениеда 47 маротаба, босма нашрларда 76 маротаба ва ижтимоий тармоқлардаги 1 723 та материал де-путатларимизнинг халқ олдидаги ҳи-собдорлиги ва очиклигини таъмин-лади.

Мухтасар айтганда, биринчи чорак якунлари бўйича амалга оширилган ишларимиз партияимиз манфаатларини Қонунчилик палатасида химоя қилиш, электротизимиз ишончини оқлаш йўлидаги дастлабки қадамлар ҳисобланади. Биз учун марра ҳар доим юксак. Юртимизда қонун ва ижтимоий адолат тамойилларининг тўлиқ қарор топниши, ҳар бир ватандошимизнинг розилиги ва фаровонлиги йўлида бундан кейин ҳам фаол иш олиб борамиз.



# АҲОЛИ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

## Бухородаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат Мақсуд Қурбонбоев эътиборида бўлди

Бугун одамлар давлат идоралари ва ижро ҳокимияти органлари қаторида, энг аввало, ўзлари сайлаган депутатларидан фаоллик, қатъият ва жонбозлик кутмоқда. Сайловчи учун вакиллик органи аъзоси шунчаки муаммоларни тингловчи эмас, балки уларни ҳал этишда ижро ҳокимиятидан қатъий жавоб талаб қиладиган ҳақиқий халқ ҳимоячиси бўлиши керак. Зотан, бугунги кун депутатининг фаолиятига ҳисоботлар эмас, балки маҳаллалардаги ўзгаришлар ва одамларнинг розилигига қараб баҳо бериладиган вақт келди. Бухоро вилоятида бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоев ҳам ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат билан танишиш, шунингдек, бир қатор муаммолар ечими устида изланди.

мой муҳофаза масалаларига қаратилди. Ҳудудда 18 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Бир қарашда бу ижобий кўрсаткич бўлиб кўринса-да, аҳолининг бир қисми ҳали ҳам доимий иш ўрнига эга эмаслиги маълум бўлди. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси маълум даражада сақланиб қолмоқда. Шу билан бирга, 17 нафар фуқаро ижтимоий ягона реестрга киритилган. Аҳоли билан мулоқот довомида улар томонидан иш ўринлари яратиш, касб-хунар ўргатиш марказлари фаолиятини кенгайтириш, имти-

моларни бевосита эшитиш ва уларни тезкор ҳал этиш тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Айниқса, депутатларнинг жойларга чиқиб, сайёр қабуллар ўтказиши фуқароларнинг дардини тинглаш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ана шундай сайёр қабуллардан бири Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоев томонидан партиянинг Бухоро вилоят Кенгашида ташкил этилди.

Мақсуд Қурбонбоев эътиборида бўлди. Партиянинг туман кенгаши раиси Норсаид Жумаев ҳудуддаги "Усмоишайх" ҳамда "Атажам" маҳаллаларини боғлаб турувчи 2 километр йўлнинг носоз ҳолатда эканини таъкидлади. Мазкур қабулда партиянинг туман кенгаши раислари ўз ҳудудларидаги долзарб муаммоларни кўтариб чиқишди. Ҳар бир масала атрофида муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди. Кўтарилган асосий муаммолардан бири Олот туманига тааллуқли бўлди. Партиянинг туман кенгаши раиси Норсаид Жумаев ҳудуддаги "Усмоишайх" ҳамда "Атажам" маҳаллаларини боғлаб турувчи 2 километр йўлнинг носоз ҳолатда эканини таъкидлади.

Ушбу йўл нафақат маҳалла аҳолиси, балки 3-мактабда таҳсил олаётган ўқувчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ёмғирли ва қорли об-ҳаво шароитида йўлнинг яроқсизлиги болаларнинг мактабга бориб-келишида жиддий нуқулликлар туғдирмоқда. Баъзан бу ҳолат ўқувчарга ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатаяпти. Мақсуд Қурбонбоев муаммо эътибордан четда қолмаслигини таъкидлаб, тегишли ташкилотларга расмий мурожаат юборилишини билдирди. Хусусан, йўлни асфальтлаштириш орқали аҳоли учун қулай шароит яратиш зарурлиги қайд этилди. Бу ташаббус амалга оширилса, нафақат ўқувчилар, балки ҳудуд аҳолиси учун ҳам катта энгиллик бўлади.

Пешку туманидан кўтарилган муаммо ҳам ижтимоий аҳамияти билан ажралиб туради. Туман кенгаши раиси Муҳайё Асодова туғруқ комплексида кутиш зали йўқлигини маълум қилди. Оқибатда бу ерга келган аёлларнинг қариндошлари кўпинча узоқ вақт кутишга мажбур бўлмоқда. Мавжуд шароитда улар ёзининг жазирама иссиғида ҳам, қилинган совуқ кунларида ҳам ташқарида кутишлари тўри келади. Депутат ушбу масала ечими бўйича туман ҳокими Ҳаёт Давлатов билан ҳамкорликда иш олиб борилишини билдирди.

Кутиш зали қурилиши орқали беморлар яқинларига муносиб шароит яратиш режалаштирилди. Жондор туманига оид муаммо эса бевосита болалар хавфсизлиги билан боғлиқ. Партиянинг туман кенгаши раиси Раҳима Рўзиева "Пўлоти" маҳалласида жойлашган 8-мактаб ёнидан канал оқиб ўтишига қарамай, атрофи ўралмаганини таъкидлади. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, ўқувчилар ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдириши мумкин. Айниқса, кичик ёшдаги болалар учун очик ҳудуд ва сув ҳавзаси яқинлиги жиддий хавф манбаи ҳисобланади. Шу боис мактаб атрофида темир панжаралар ўрнатиш зарурати кун тартибига кўйилди.

Мақсуд Қурбонбоев ушбу масалани жойига чиқиб ўрганиш мақсадида куннинг иккинчи ярмида Жондор туманига бориб, мактаб директори, маҳалла фаоллари ва мутасадди ташкилот вакиллари билан мулоқот қилди. Ўрганиш довомида муаммони бартараф этиш юзасидан амалий чоралар белгиланди.

Моҳигул РАҲИМҚУЛОВА,  
Бухоро вилоят кенгаши  
матбуот котиби

Худудлардан хабарлар

# СЎХ: ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятининг Сўх туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган йиғилиши биз, сўхликлар учун катта имкониятлар эшигини очиб берди.

Субхонали НИШОНОВ,  
халқ депутатлари Фарғона вилоят  
Кенгаши депутати, "Ҳазрат Али" МФЙ раиси

Аваллари, чегара ҳудудда истиқомат қилганлигимиз боис, Сўх етиб бориш қийин, транспорт ва логистика имкониятлари чекланган, иқтисодий алоқалари заиф ҳудудлардан бири сифатида маҳаллий аҳоли учун қийинчиликларни юзага келтирар эди. Президентимиз раҳбарлигида сўнгги йилларда минтақавий ҳамкорлик ва қатъий сиёсий ирода туфайли бу ҳудудни комплекс ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилгани барчамизни қувонтирмоқда. Янги йўллар очилди, чегарадан ўтиш тартиблари энгиллаштирилди, тадбиркорлик учун шароитлар яхшиланди, замонавий боғча, мактаб, поликлиника ва уй-жойлар барпо этилди.

Рақамларга эътибор қаратсак, бугунги кунда Сўхдаги 25 та маҳаллада 88,6 минг аҳоли яшайди. Ҳудудда 29 та мактабга таълим ташкилоти, 33 та мактаб, 2 та ўрта махсус таълим муассасаси, 14 та соғлиқни сақлаш муассасаси ва 2 та маданият объекти фаолият кўрсатмоқда. Утган йилнинг ўзида 13 минг 921 та иш ўрни яратилди, 1 минг 667 та оила камбағалликдан чиқарилди. Умуман, Сўхдаги ўзгаришлар шунчаки инфратузилма янгилаениши эмас, балки ҳудуднинг иқтисодий фаолиги ошгани, аҳоли ишончи мустаҳкамлангани ва ёшлар учун имкониятлар кенгайганининг амалий ифодасидир.

Фахр билан айтишимиз мумкин, бугунги Сўх аста-секин минтақавий иқтисодий тизимга қайта қўшилмоқда. Шу билан бирга, туманда камбағаллик даражаси 7,9 фоиз, ишсизлик 5,5 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткичлар ҳали ҳам республика ўртача даражасидан юқори экани кўрсатиб ўтилди. Қувонарлиси, жорий йилда туманга 40 миллион доллар инвестиция жалб қилиш, 15 миллион долларлик экспортни таъминлаш режаси халқ турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги аниқ мақсадлар мажмуи дейиш мумкин.

Барчага маълум, туманимиз тоғлар бағридаги жаннатмонанд маскан. Айнан мазкур йиғилишда туманининг туризм салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилгани эътирофга сазовор. Сўхнинг бетақор табиати, мусаффо ҳавоси, дарёлари ва салқин иқлими мазкур соҳани иқтисодиёт драйверларидан бирига айлантириш имконини беради. Масалан, "Сариканда", "Ровон" ва "Истиқлол" маҳаллаларидан ўтган Сўх дарёси қирғоқларида янги туризм объекти қурилса, кўплаб ёшлар бандлиги таъминланади. Шунингдек, реабилитация, физиотерапия, дори-дармон логистикаси ва табиий таълимни бир ҳудудда жамлаган Табиий хизматлар кластерини ташкил этиш, халқимиз саломатлиги йўлидаги эзгу мақсадлардан биридир.

Микролойиҳаларга келсак, 300 та лойиҳа орқали 8,6 минг аҳолини касб-хунарга ўқитиш режаси – бу бевосита бандлиқни таъминлашга қаратилган энг манзилли ёндашувдир. Бу жараёнга 64 миллион сўм кредит ресурси ажратилиши ва қўшимча 74,5 миллион сўм инфратузилмага йўналтирилиши иқтисодий фаолликни янада жонлантиради. Қишлоқ ҳўжалигига тақлиф этилган лойиҳалар ҳам катта иқтисодий аҳамият бериши мумкин. Масалан, 425 гектар яйловда боғдорчилик, 60 гектарда заъфарон етиштириш, 100 гектарда картошқачилик, 30 та ҳовузга ҳар бири 50 тоннадан форељ балиғи етиштириш каби ташаббуслар қишлоқ ҳўжалигини аънаванайдан юқори қўшилган қийматли моделга ўтказишга хизмат қиладди.

Шунингдек, 8 километрлик суғориш тармоғи орқали 800 гектар ерни ўзлаштириш имконияти – бу ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аниқ намунаси.

Энг муҳими, бу ислохотлар марказида инсон манфаати тургани – даромадларни ошириш, иш ўринлари яратиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Сўх аҳли ушбу ишонч ва имкониятларни чуқур англаган ҳолда, белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга бор куч ва салоҳиятини сафарбар этади.

# КЕНГАШ РАИСИ УРГУТЛИКЛИКЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ ТИНГЛАДИ



Бугун халқимиз давлат идоралари ва ижро ҳокимияти органлари қаторида, энг аввало, ўзлари ишонч билдирган депутатлардан фаоллик, қатъият ва жонбозлик кутмоқда. Инсон қадрини улуғлаган жамиятда депутат шунчаки кузатувчи эмас, балки аҳоли муаммоларини ҳал этишда масъулиятни ўз зиммасига оладиган ҳақиқий халқ вакили бўлиши шарт.

Зеро, бугунги кун депутати кабинетда эмас, маҳаллалар ичида, одамлар орасида бўлгандагина унга нисбатан ишонч ва ҳурмат шаклланади. Ана шундай масъулият ва "маҳаллабай" ишлаш тамойили асосида "Адолат" СДП Самарқанд вилояти кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ҳиммат Оқбутаев аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилди.

Депутат Ургут туманининг "Ғуо", "Етти уйлик", "Қули гузар", "Ҳўжа гузар" ҳамда "Сой" каби бир қатор маҳаллаларида бўлиб, одамларнинг йиллар давомида тўпланиб қолган дардини эшитиш ва уларга амалий ечим топишга эътибор қаратди. Учрашув довомида аҳоли турмуш даражаси, ҳудуддаги ижтимоий инфратузилма ҳолати ва мавжуд камчиликлар "маҳалла еттилиги" ҳамда жоматчилик фаоллари иштирокида таҳлил қилинди. Фуқаролар томонидан ичимлик суви таъминоти, йўлларни таъмирлаш, электр энергияси ва бандлик масалалари бўйича кўплаб долзарб мурожаатлар ўртага ташланди.

Эътиборли жиҳати шундаки, депутатлик мониторингини довомида муаммоларни "кейинга суриш" амалиётидан воз кечилди. Кўтарилган масалаларнинг бир қисми тегишли ташкилот раҳбарларини жалб этган ҳолда жойида ҳал этилди. Бу эса одамларнинг давлат ва вакиллик органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Аниқланган муаммоларнинг ечими бўйича ижро мuddатлари белгиланиб, депутатлик назорати ўрнатилди. Дарҳақиқат, қачонки халқ вакиллари ижро ҳокимияти билан елкама-елка туриб, "маҳаллабай" ишлаш тизимини тўғри йўлга қўйсагина, аҳолининг розилигига эришиш мумкин.

Самарқанд вилояти кенгаши матбуот хизмати



## Аҳоли фаровонлиги – устувор мезон

Дастлаб халқ вакили Когон шаҳридаги "Адолат", "Бунёдкор" ва "Амир Темур" маҳаллалари аҳолисини ўйлантараётган муаммоларни атрофчи таҳлил қилди. Биринчи гада "Адолат" маҳалласидаги ривожланиш кўрсаткичлари ижроси билан яқиндан танишди. Маҳаллада 4 минг 569 нафар фуқаро яшайди. 2 та давлат мактабга таълим ташкилоти ва 1 та хусусий МТТ фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллада инфратузилма билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди. Айрим ички йўллар таъмирталаб ҳолга келиб қолган, ичимлик суви таъминотида узиллишлар кузатилмоқда. Электр таъминотидаги носозликлар эса, айниқса, қиш ойларида аҳолига жиддий нуқуллик туғдираётгани таъкидланди. Фуқаролар каналлаш тизимининг талабга жавоб бермаслиги, бу эса санитария ҳолатига салбий таъсир

кўрсатишини айтишди. Депутат муаммоларни мутасадди ташкилотлар вакиллари билан биргаликда бартараф этиш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқди.

Кейинги манзил – "Бунёдкор" маҳалласи бўлди. "Гулбоғ" кўчаси, 21/7-сонли кўп қаватли уй аҳолиси ўзларини қийнаётган муаммоларни баён қилишди. Хусусан, улар яшаб турган ҳудуд атрофидаги 0,3 километр масофадаги йўлнинг асфальтланмагани узоқ йиллардан бери долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ёмғирли кунларда бу йўл пойга айланади. Ташқи ёришти тизими етарли эмаслиги, чикиндиларни ўз вақтида олиб кетиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги аниқланди. Депутат ушбу масалалар юзасидан шаҳар ҳокими Миршакар Тўрабоев билан мулоқот ўтказиб, уларни қисқа муддатларда ҳал этиш зарурлигини таъкидлади.

"Амир Темур" маҳалласида эса асосий эътибор аҳолининг бандлиги, тадбиркорликни ривожлантириш ва икти-


ёзли кредитлар ажратиш орқали тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тақлифлар билдирди. Маҳалладаги яна бир муҳим муаммо – маҳалла биносининг эскиргани. Фуқароларни қабул қилиш ва турли тадбирларни ўтказиш учун шароитлар етарли эмас. Ҳоким ёрдамчиси Абдувоҳид Жумаев томонидан янги маҳалла биноси қуриб бериш масаласи кўтарилди. Депутат мазкур муаммони мутасаддилар билан муҳокама қилиб, тегишли ташкилотларга йўналтирди.

Ўрганишлар довомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

## Сайёр қабул амалий ечим майдонига айланди

Мамлакатимизда аҳоли мурожаатларини ўрганиш, жойлардаги муам-





# ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ

## ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРГАН ТАШРИФ

Бугун Марказий Осиё чинакам бирдамлик босқичига ўтган. Ўзбекистон етакчисининг ташаббуси билан минтақамизда узоқ йиллар давомида илк бор биргаликда олдинга қараб боришимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тақлифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиши ва Қосим-Жомарт Тоқаевнинг мамлакатимиз Президентига йўллаган мактуби бу фикримизни тасдиқлайди.

**Тошпўлат МАТИБАЕВ,**  
халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгаши депутати,  
социология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида қўшни давлатлар, хусусан, Қозоғистон билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Икки қардош мамлакат ўртасидаги алоқалар нафақат стратегик шериклик, балки чин маънодаги иттифоқчилик тамойиллари асосида мустақамланмоқда. Бу эса минтақадан барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик руҳидаги ушбу яқинлик халқларимизнинг тарихий ва маънавий илдизлари муштараклигига асосланади. Давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли чегаралар дўстлик ва ҳамкорлик кўпригига айланди. Иқтисодий ва маданий алоқалар изчиллик касб этди.

Навбатдаги амалий ташриф ҳам икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик кун тартибининг янада кенгайтириш ва келажақдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон ва Қозоғистон нафақат иқтисодий шериклар, балки умумий тақдир ва келажақ бир бўлган, минтақавий яқинлигини таъминловчи қудратли куч сифатида намоён бўлмоқда. Мулоқотларда Ўзбекистон – Қозоғистон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Қозоғистон етакчисининг мамлакатда янги Конституция бўйича референдум ўтказилганидан кейин биринчи хоржий ташрифини Ўзбекистондан бошлаши кўп равишда далolat беради. Энг аввало, ҳудудларда мунтазам равишда норасмий учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланиб, икки томонлама ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалаларни очик ва конструктив мухокама қилишга хизмат қилаяпти. Хусусан, Бухоро, Марказий Осиёнинг маданий ва тарихий маркази сифатида аҳамиятга эга. Тоқаевнинг таъкидлашича, Бухоронинг бугунги қиёфаси янги Ўзбекистон сиёсати натижасидир. Бу эса икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлиги ва маданий алмашинуви орқали амалга оширилаётганини кўрсатади.

Барча даражалардаги алоқалар, жумладан, ҳукуматлараро ва парламентлараро ҳамкорлик фаоллашди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Марказий Осиёдаги иқтисодий бақувват давлатлар бўлиб, улар минтақавий яқин ички маҳсулотнинг қарий 80 фоизини ва минтақа аҳолисининг 70 фоизини ташкил этади. Шу билан бирга, санаотга юқори технологияларни, АКТ технологияларини кенг жорий этиш ва келажаққа бўлган қарашлар – космик дастурларда иштирок этишда ҳам етакчилик қилмоқда. Бу икки давлатда санаот кооперациясида ҳамкорлик қилиш ва минтақани "Шимол-Жануб" ва "Шарқ-Ғарб" йўлақлари чорраҳасидаги транспорт-логистика марказига айлантириш учун ҳам яхши истиқболлар мавжуд. 2025 йил якунига қўра, икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард долларга етган бўлса, Бухородаги музокаралар якунида янги истиқболда ўзаро савдони

10 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Автомобилсозлик, инфратузилмани ривожлантириш, логистика, электротехника, қурилиш материаллари ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кимё, геология, энергетика, автомобиллар учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги бир қатор янги ташаббуслар кўриб чиқилди. Транспорт ва логистика соҳасида ўзаро боғлиқликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қарилмоқда. Чегараолди инфратузилмани модернизация қилиш, тўсиқларни бартараф этиш ва ташқи бозорларга чиқиб туриш таъминлайдиган самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича қўшма чора-тадбирлар амалга оширилаётгани диққатга сазовор. Томонлар Қирғизистондаги "Қамбарота" гидроэлектр станцияси қурилиши каби йирик минтақавий лойиҳаларни жадаллаштириш ва "яшин" энергия экспорти бўйича ташаббусларни илгари суриш аҳдида қатъий. Ўзбекистон ва Қозоғистон сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва минтақавий экологик ташаббусларни илгари суриш, шу жумладан, чегарадош ҳудудларда "Тоза ҳаво" лойиҳаларини амалга ошириш бўйича биргаликда ишлашдан манфаатдор. Бу ташаббус экологини муҳофаза қилиш, атроф муҳитни яхшилаш ва халқ саломатлигини таъминлаш мақсадида йўлга қўйилган.

Етакчилар инновация ва юқори технология соҳаларда, жумладан, космик технологиялар, рақамлаштириш, электрон тижорат ва стартапларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қатъий. Маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш, жумладан, маданият кунлари, ёшлар форумларини ўтказиш, креатив иқтисодий ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлаш устувор мақсадлардан.

Учрашув давомида бош вазирлар ўринбосарларининг савдо-иқтисодий кун тартибининг долзарб жиҳатлари, жумладан, яқин истиқболда ўзаро савдони 10 миллиард долларга етказиш борасида қўрилаган чоралар бўйича ҳисоботлари тинглангани, музокара якунида ҳукуматларга эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"ни қабул қилиш топширилгани ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида эканидан далolat беради. Улуғвор мақсадларга етишиш учун давлат раҳбарлари янги қўшма инвестицион лойиҳаларни йўлга қўйишди. TURAN махсус иқтисодий зонаси ва агросаноат комплекси маҳсулотларини, ёғочни қайта ишлаш, машина, электроника, тўқимачилик ва қурилиш материалларини ишлаб чиқишга ихтисослашган "Марказий Осиё" савдо-иқтисодий ҳамкорлик халқаро марказини ишга тушириш шулар жумласидан. Мазкур лойиҳалар трансчегаравий савдо-логистика инфратузилмаси ҳамда минтақалараро ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатлар ўртасида қўшма ҳамкорлик тажрибаси юқори. Қозоғистон ҳудудида, хусусан, Қўстанайда Chevrolet ва "SAZ" маркали автомобиллар йиғиш бўйича

қўшма корхоналар, Туркистонда тўқувчилик фабрикаси, Шимкентда тўқимачилик корхонаси муваффақиятли ишламоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик мутлақо янги чизгиларга эга бўлди: Қозоғистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги энг йирик савдо ҳамкорига айланди ва 2020 йилдан буён Ўзбекистоннинг Хитой ва Россиядан кейинги учинчи етакчи савдо шериги ҳисобланади. Бу эса икки мамлакат иқтисодийнинг аҳамияти ва ўзаро боғланганлигини тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан умумий ҳисобда 7 млрд АҚШ долларига тенг ўзаро савдосининг 60 фоизи Қозоғистонга тўғри келади.

Утган йилнинг ноябрь ойида икки давлат президентларининг учрашуви давомида эришилган келишувлар ижроси таъминлангани боис барча даражаларда алоқалар фаоллашди. Бироқ, ҳозирги 5 миллиард долларлик савдо айланмаси оралик босқич ҳисобланади. Чукүр санаот ҳамкорлиги усишни таъминлашга қўшмоқда. Ҳозирда мамлакатларимиз биргаликда 1,8 миллиард долларлик 78 та лойиҳани амалга оширмоқда. Энергетика, кимё, ерости бойлиқларидан фойдаланиш ва машинасозлик соҳаларидаги йирик лойиҳалар диққат марказида. Қурилиш сектори ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш ҳам устувор вазифалар бўлади. Раҳбарлар транспорт алоқаларига алоҳида эътибор қаратилди ва уни бутун Марказий Осиё учун иқтисодий мустақилликнинг қалити деб билладилар. Ушбу стратегиянинг марказида чегара трансиналарни модернизация қилиш ва терминалларни халқаро транспорт йўналиши салоҳиятини мустақамлаш мақсади турсанлигини таъкидлаш жоиз.

Утган йили Қ.Тоқаев Ўзбекистонни Оқтау ва Қурқ портларини кенгайтириш лойиҳаларига қўшилишни тақлиф қилди, бу эса Урта йўлакнинг ривожланишига туртки бўлади. Шу билан бирга, Форс қўрғазидagi бекарорлик туфайли номаълум муддатга тўхтатилган Шимол-Жануб йўналиши каби истиқболли йўналишларни мониторинг қилиш давом этмоқда. Афғонистон ва Покистондаги вазият барқарорлашгандан сўнг, жанубий темир йўл векторлари ҳам қайта тикланади. Ақлли, узлуқсиз йўлакларни яратиш икки мамлакат иқтисодийнинг глобал савдо занжирларига қўлай шартларда бирлаштиради.

Умуман олганда, саъй-ҳаракатларни тизимли равишда бирлаштириш Марказий Осиёга стратегик мақсадларга эришиш имконини беради. Минтақа геосиёсий объектнинг мустақил ва таъсирчан куч марказига айланади. Инвестиция жойибдорлигида сифат жиҳатидан сакраш бўлади.

Мени қувонтирган яна бир ҳолатга эътиборни қаратмоқчиман. У ҳам бўлса,

*Ишончимиз комилки, глобал ноаниқлик даврида яхши қўшничилик, ҳамжихатлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш Марказий Осиёнинг асосий ресурсига айланиб бормоқда. Минтақа мамлакатлари яқка ҳолда ҳал қилиш қийин бўлган умумий ҳафсизлик муаммолари ва ривожланиш вазифалари биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин. Икки ва кўп томонлама ишонч ва шерикликни мустақамлаш ўз келажагини умумий қадрдон дийримиз – Марказий Осиёнинг тинчлиги, барқарорлиги ва тараққиёти билан боғлаган миллионлаб одамларнинг манфаатларига жавоб беради. Минтақанинг етакчи давлатлари бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг саъй-ҳаракати билан қучли, барқарор ва фаровон минтақа – Янги Марказий Осиёнинг мустақам пойдеворини яратиш сари дадил одимланмоқда. Келаясида икки давлат ўртасидаги муносабатлар янада ривожланиши ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун асос бўлиши кутулмоқда.*



# ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ

## ТИЗИМЛИ КУРАШ ВА АДОЛАТ КАФОЛАТИ

Жамиятнинг маънавий қиёфаси ва тараққиёт даражаси унда хотин-қизлар ҳамда болаларга бўлган муносабат билан белгиланади. Юртимизда инсон қадрини улуглашга қаратилган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 3 мартда имзоланган "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги фармони аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.



**Додар ДОЛМУРОДОВА,**  
"Адолат" СДП марказий аппарати  
бошқарма бошлиғи

Президентимиз 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирдаги нутқиди аёлани "оила ва жамият таянчи" дея эътироф этар экан, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши кураш давлат сиёсатининг ўзгармас ва устувор йўналиши бўлиб қолишини қатъий таъкидлади. Ҳа, узоқ йиллар давомида маънавий зўравонлик ҳолатлари ёпиқ ва оилавий масала сифатида талқин қилинган адолат қарор топишига ва қурбонларнинг ҳимояси қилинига сабаб бўлган эди. Янги фармон бу илағга нисбатан принципиал ёндашувни белгилаб берди.

Эндиликда жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши жиноятлар бўйича тергов жараёнларининг ишлар органларидан прокуратура тизимида ўтказилиши тергов шаффофлигини оширади ва "яраштириш босими" остида ишларни ёпиқ амалиётга чек қўяди. Шунингдек, 2026 йил 1 апрелдан бошлаб жорий этиладиган "SOS" қақирув тизими ("my.hma.uz" иловаси орқали) жабранувчи аёлларни тезкор ҳимоя қилишнинг замонавий механизми бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, вояга етмагандарга нисбатан жинсий зўравонлик учун жазо чораларининг кескин қучайтирилиши, ҳатто умрбод қамоқ жазосининг белгилааниши жамиятда болалар ҳафсизлиги учун мустақам қамқон яратлади.

Яна бир жиҳат. Фармонда эрта никоҳ ва эрта туғиш ҳолатлари зўравонликнинг илдизларидан бири сифатида қайд этилган. Бу борада нафақат маъмурий чоралар, балки профилактика ва тарбиявий ишларни қучайтириш, ота-оналар масъулиятини ошириш кўзда тутилган. Эгитборлиси, 2027 йилдан бошлаб ҳар иккала томон камида 21 ёшга тўлганда илк бор оила қурган ёшлар учун давлат томонидан алоҳида имтиёзлар пакети жорий этилади. Ижтимоий реестрга киритилган бундай оилаларга бериладиган субсидия ва грантларнинг 1,5 бараварга оширилиши оилавий барқарорликка йўналтирилган стратегик инвестициядир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур фармон "Адолат" СДПнинг Сайловдаи дастуридаги "Оилани мустақамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш" йўналишидаги голлар билан тўлиқ ҳамоҳанг. Партияимиз илгари сурсан – ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш (бепул ўқув курсларини 2030 йилгача 100 фоизга етказиш), хотин-қизларнинг иқтисодий мустақамлигини таъминлаш ва ҳуқуқий ҳимоясини қучайтириш каби тақлифлар бугун давлат сиёсати даражасида амалга ошмоқда. Халқаро тажриба таълими шуни кўрсатадики, бундай комплекс ёндашув зўравонлик ҳолатларини 20–40 фоизга қисқартириш имконини беради.

Бу ислохотлар натижасида оилавий ажримлар сони камади, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги юксалади. Эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари бартараф этилади ҳамда жамиятда инсон ҳуқуқлари кафолати бўйича Ўзбекистоннинг халқаро рейтингни кўтарилади. Унутмайликки, зўравонликка қарши кураш – фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси эмас, балки бутун жамиятнинг умумий масъулияти саналади. Партияимиз эса мазкур ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, тарғибот лойиҳалари, ҳуқуқий акциялар, назорат мониторинг-лари орқали устувор мақсадларнинг ҳаётга изчил таътиқ этилишида фаол иштирок этади.

## ПАРТИЯДОШИМИЗ СПОРТ УСТАСИ БЎЛДИ



Спортнинг киоқушнқай карате йўналиши дунёда энг кучли ва қатъий тизимлардан бири сифатида тан олинган. Бу ерда галаба фақат жисмоний куч билан эмас, балки юксак интизом ва руҳий барқарорлик билан қўла қилинади. Шу боис шунинг спорт тури барқарорлашувчи инсонлар нафақат жисмонан соғлом, балки мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган ирода соҳибдарига айланади.

"Адолат" СДП учун жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш – устувор вазифа. Сафимизда нафақат сиёсий билимга эга, балки шахсий ибратни билан ёшларни ераштири оладиган, спортни ҳаёт тарзига айлантирган фаолларнинг борлиги эса партияимизнинг интеллектуал ва жисмоний салоҳиятидан далolat беради.

Партиянинг Уйчи тумани кенгаши раиси ва халқ депутаталари туман Кенгаши депутати Маъруфжон Юсуфжоновнинг спортдаги муваффақияти ана шундай фаолликнинг амалий исботи бўлди. Сафдошимиз Спорт вазирлиги томонидан "спорт устаси" мақомига лойиқ кўрилди. Бу, албатта, йиллар давомида қилинган тинимсиз меҳнат самарасидир.



# ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

## Икки Ренессанснинг гувоҳи ва учинчи Ренессанснинг пойдевори ёхуд Тошкентда қад ростлаган дунёнинг саккизинчи мўъжизаси ҳақида

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда ер юзидики мингга яқин миллат ва элат яшар экан. Ана шу миллат ва элатларнинг орасида бор-йўғи икки юзга яқини ўз мустақил давлати, демакки, ўз ҳудуди, байроғи, мадҳияси, пул бирлиги ва, энг асосийси, ўз давлат тилига эга миллатлар ҳисобланади.

### Ислom ҲАМРО, журналист

Дунёнинг етти мўъжизасини зукко ўқувчиларимиз яхши билишади. Шунинг учун уларни бирма-бир санаб ўтиришдан тийилмасди. Ана шу етти мўъжизанинг бири – Тожмаҳал бизнинг миллатдош боболаримиз томонидан бунёд этилган ҳар биримизга фахр ва гурур бағишлайди. Ахир ер юзидида умрғузaronлик қиладиган икки мингга яқин миллат ва элат вакиллари бор-йўғи еттигагина мўъжиза яратган ва улардан бири тўғридан-тўғри бизга, яъни ўзбек миллатига тааллуқли бўлса, бундан фахрланмасдан бўладими?!

Сўзимни нега дунёда мавжуд миллат ва элатлар, улар яратган мўъжизалар ҳақида бошлашимиз?

Бунинг сабаби аён. Сўнгги ўн йилликда мамлакатимиз ўз тараққиётининг мутлақо янги босқичига қадам қўйди. Бу жараёнда иқтисодий ўсиш, инфратузилмавий ривожланиш билан бир қаторда, маънавиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани, Янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида маданий уйғониш муҳим ўрин тутаяётгани алоҳида таъкидлаб ўтсак, арзийди. Айниқса, халқимизнинг бой тарихий меросини тиклаш, уни асраб-авайлаш ва чуқур ўрганиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юртимизда янги давр бошланганидан далолат беради.

Аждодларимиз қолдирган бебаҳо давомидида инсоният тараққиётига хизмат қилиб келган. Боболаримизнинг асарлари, кашфиётлари ва гоёлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Шу боис, бу меросни нафақат сақлаш, балки уни замонавий талқин асосида кенг жамоатчиликка етказиш ҳам долзарб вазифа саналади. Президентимизнинг шахсий ирода ва ташаббуси билан сўнгги йилларда тарихий обидаларни реставрация қилиш, қадимий кўлэмаларни тиклаш, янги музей ва илмий марказлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз пойтахтида бунёд этилган Ислom цивилизацияси маркази минтақамизда сўнгги ўн йилликларда қад ростлаган иншоотларнинг марвариди бўлди, десак муболага эмас. Бу марказ нафақат меъморий жиҳатдан ноёб иншоот, балки Марказий Осиёнинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан

хиссасини ўзида акс эттирган, муқаддас динимиз ва шонли тарихимизни мужассам этган илмий-маърифий маскан экани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу марказ узоқ асрлар ўтмиш ва бугун ўртасида мустаҳкам ва мухташам кўрпик сифатида хизмат қилажак.

Шубҳасиз, Ислom цивилизацияси инсоният тарихида беқиёс ўрин тутайди. У фақатгина диний қарашлар маъмуи эмас, балки кенг қамровли маданий, илмий ва фалсафий билимлар тизими сифатида ўн тўрт аср давомида шаклланган. Айниқса, ўрта асрларда ислom дунёси илм-фан тараққиётининг маркази эди.

Бу даврда математика, астрономия, тиббиёт, география, фалсафа каби кўплаб фанлар жадал ривожланди. Илмий тафаккур эркинлиги, изланиш ва тажриба маданияти Фарбу Шарқ бўйлаб кенг ёйилди. Бу, ўз навбатида, тамаддунинг янги босқичини бошлаб берди. Марказий Осиё бўйлаб жараёнларнинг юраги бўлди. Айнаш шу ҳудудда етишиб чиққан буюк алломалар жаҳон илм-фанининг ривожига беқиёс ҳисса қўшдилар. Улар яратган илмий асарлар асрлар давомида дунё илмий тафаккурига йўл кўрсатиб келди.

Биринчи Ренессанс деб аталуви илк уйғониш даврида илм-фан мислсиз тараққий этди. Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний каби буюк қомусий аждодларимизнинг илм тафаккури орқали алгебра, тригонометрия, тиббиёт ва астрономия соҳаларида улкан кашфиётлар қилинди. Бу кашфиётлар кейинчалик Европа уйғониш даврига асос бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи Ренессанс даврида эса маданият, санъат ва адабиёт юксак даражага кўтарилди. Меъморчилик, наққошлик, китобат санъати ривожланди. Бу даврда яратилган асарлар бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ.

Хоразм илмий мактаби ўзининг математик ва астрономик кашфиётлари билан машҳурликка эришган бўлса, Бухоро диний фалсафий билимлар маркази сифатида шуҳрат топди. Ўз навбатида Самарқанд астрономия марказига айланди.



лар лотин тилига таржима қилиниб, жаҳон бўйлаб илм-фан ривожига туртки берди. Айни шу асослар Ислom цивилизациясининг жаҳон тараққиётини ўрни нақадар улкан эканини кўрсатади. Демак, бу меросни жамлаш ва тарғиб қилиш ниҳоятда муҳимдир. Ислom цивилизацияси маркази айнан шу вазифани бажарувчи маскан сифатида майдонга чиқди.

Марказни барпо этиш гоёси илк бор Президентимиз томонидан 2017 йилда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб илгари сурилганди. Лойиҳа қисқа вақт ичида йирик бунёдкорлик ишига айланди. Пухта уйланган режа, аниқ мақсад асосида 2019 йилдан амалий ишлар бошлаб юборилди. Бу вақт ичида мисли кўрилмаган қурилиш-бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бу жараёнда замонавий технологиялар ва миллий анъаналар уйғунлаштирилди. Ҳар бир элемент ўзига хос маънога эга бўлиб, у умумий концепцияни тўлдириб туриши билан эътибор тортиши шундан. Гумбазлар, равоқлар,

Умумий ҳудуди қарийб 10 гектарни ташкил этадиган бинонинг жами фойдали майдони 42 минг квадрат метрдан ортиқ. Шу жиҳатдан у Марказий Осиёдаги энг йирик илмий-маърифий мажмуалардан бири ҳисобланади.

Уч қаватли бинонинг узунлиги 161 метр, кенглиги 118 метрни ташкил қилади. Марказнинг асосий гумбази 65 метр баландликкача кўтарилиб, шаҳар манзарасига алоҳида фусун бағишлаган. Бу рақамлар ва имкониятлар марказнинг нафақат меъморий, балки функционал жиҳатдан ҳам юқори даражада уйланган лойиҳа эканини кўрсатади.



безаклар барчаси тарихий анъаналар асосида яратилган. Қурилиш жараёнида минглаб мутахассислар иштирок этди. Меъморлар, тарихчилар, дизайнерлар ва муҳандислар биргаликда ишладди. Бу эса марказнинг мукамал шаклда бунёд этилишига хизмат қилди.

Ислom цивилизацияси маркази ички тузилиши жиҳатидан ҳам ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. Бу ерда ҳар бир зал алоҳида мавзуга бағишланган. Қуръон залида ноёб кўлэмалар, китобат санъатининг нодир намуналари сақланса, тарихий экспозицияларда ислomгача бўлган давр, муқаддас динимизнинг Марказий Осиёга кириб келиши, илм-фан, маданият ва санъатнинг тараққий топиши очиб берилган. Бу ерда қирган ҳар бир инсон ўзига хос маънавий муҳитни ҳис қилади. Интерактив воситалар эса бу жараёни янада жонлантиради. Алломаларга бағишланган бўлимлар марказнинг энг қизиқарли

қисмларидан биридир. Бу ерда уларнинг илмий мероси кенг ёритилган.

Марказда улкан кутубхона, конференция заллари, илмий лабораториялар мавжуд. Бу эса уни замонавий илмий масканга айлантирган.

Иншоот архитектураси ва инфратузилмасига оид рақамлар ҳам унинг нақадар улкан ва мукамал лойиҳа эканини яққол намоён этади. Умумий ҳудуди қарийб 10 гектарни ташкил этадиган бинонинг жами фойдали майдони 42 минг квадрат метрдан ортиқ. Шу жиҳатдан у Марказий Осиёдаги энг йирик илмий-маърифий мажмуалардан бири ҳисобланади.

Уч қаватли бинонинг узунлиги 161 метр, кенглиги 118 метрни ташкил қилади. Марказнинг асосий гумбази 65 метр баландликкача кўтарилиб, шаҳар манзарасига алоҳида фусун бағишлаган. Бу рақамлар ва имкониятлар марказнинг нафақат меъморий, балки функционал жиҳатдан ҳам юқори даражада уйланган лойиҳа эканини кўрсатади.

Бугун дунёда турли хил диний ва маданий қарама-қаршиликлар кучайиб бораётган мураккаб бир даврда мамлакатимиз ушбу марказ орқали ислomнинг ҳақиқий моҳияти – маърифат, тинчлик ва тараққиёт гоёлари илмий асосда тарғиб этиш эканини намоён этмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур марказ нафақат илмий муассаса, балки цивилизациялар ўртасида мулоқот кўрпиги вазифасини бажарадиган стратегик лойиҳа ҳисобланади.

Марказнинг жаҳон миқёсидаги ўрни яна шу билан ҳам белгиланадики, у ўзининг кўлами ва концепцияси жиҳатдан дунёдаги энг йирик ислom цивилизациясига бағишланган комплекслардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу ерда жамланган кўлэмалар, илмий тадқиқотлар ва маданий экспозициялар нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсоният тарихи учун муҳим манба вазифасини ўтайди. Шу боис марказ келгусида халқаро туризм, таълим ва илм-фан интеграциясида ҳам муҳим ўрин тутушига шубҳа йўқ.

Ислom цивилизацияси маркази ўтмиш, бугун ва келажакни бирлаштирган бетакрор маънавий-маърифий макондир. У аждодлар меросини асраб-авайлаш, уни чуқур ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш орқали Учтинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Энди мақолаимиз аввалидаги она сайёрамизда умрғузaronлик қилаётган икки мингга ошқин миллат ва элат ҳамда дунёнинг етти мўъжизаси ҳақидаги фикрларга қайтсак.

Ислom цивилизацияси маркази дунёда инсон қўли билан бунёд этилган саккизинчи мўъжизага айланиши мумкинми?!

Фикримизча, мумкин! Дунёнинг етти мўъжизасидан бирини яратган миллат нега энди саккизинчи мўъжизани ярата олмас экан?! Хулоса ўрнида айтмоқчи бўлганимиз, Ислom цивилизацияси марказига келинг, уни кўринг ва ўзингиз Янги Ўзбекистонда дунёнинг саккизинчи мўъжизаси қад ростлаганига гувоҳ бўлинг!

Мақолага нуқта қўйиш арафасида қуйидаги хабар ижтимоий тармоқларни "портлатди": Тошкентдаги Ислom цивилизацияси маркази расман "Энг йирик Ислom цивилизацияси музейи" сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди!

Шунингдек, марказ "Туркий дунёнинг энг яхши музейи", дея эътироф этилди.

Демак, адашмаган эканмиз. Гиннеснинг рекордлар китоби ҳам дунё аҳлига Янги Ўзбекистонда САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА яратилгани ҳақида бонг урди!

Ишонмасангиз, мана бу хабарни ўқинг:

### Хушхабар

## ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИГА КИРИТИЛДИ

Тошкентдаги Ислom цивилизацияси маркази расман "Энг йирик Ислom цивилизацияси музейи" сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига кирди.

Ушбу марказ ўзининг улғувор меъморий кўрсаткичлари билан ажралиб туради: ҳудуд майдони – 10 гектар, бинонинг узунлиги – 161 метр, кенелиги – 118 метр, гумбазнинг баландлиги – 65 метр, хоналарнинг умумий майдони эса қарийб 50 минг квадрат метрни ташкил этади. Айнаш шу хусусиятлар жаҳон рекордига асос бўлди.

Президент ташаббуси билан барпо этилган ушбу мажмуа нафақат меъморий обиди, балки ислom илмий ва маданий меросини дунёга танитувчи энг йирик платформага айланди. Шунингдек, у "Туркий дунёнинг энг яхши музейи" деб ҳам эътироф этилди.

14  
TEZ TIBBIY  
YORDAM



# СУМАЛАКЧИ ХОЛА

Мехнатидан қадр топанлар

Қишнинг ҳорғин чекиниши билан борлиққа янги ҳаёт нафаси урилади. Қуёш нурлари заминни қиздириб, илк майсалар бўй кўрсатганда ҳар бир ўзбек хонадонига луғ айём – Наврўз ташриф буюради. Бу фасл нафақат табиатнинг, балки кўнгилларнинг ҳам уйғониш палласидир. Бундай муқаддас кунларнинг энг тансиқ, энг дармонбахш неъматини – сумалакдир. Сумалак шунчаки бугдой шарбатидан тайёрланган таом эмас, у асрлар оша яшаб келаётган миллий қадриятларимиз, меҳр-оқибат ва ҳамжihat-лигимиз тимсолидир. Наврўз шуқуҳи ҳамон давом этаётган ушбу кунларда биз қозон атрофида жам бўлиб, баҳор неъматини тайёрлаш борасида кўп йиллик тажрибага эга сумалакчи хола Зулайҳо Жуманқуловага бир неча савол билан мувожаат қилдик.



– Зулайҳо опа, аввало, ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот берсангиз. Сумалак тайёрлашни қачон бошлагансиз?

– Қашқадарёнинг Китоб туманиданман. 52 ёшдаман. Уй бекасман. Турмуш ўртоғим фермер. Оилавий даромадимиз ҳам шундан. Сумалак тайёрлашни эса болалигимда қишлоғимизнинг онахонларидан ўрганганман. Авваллари фақат оила даврасида пиширадик. Кейинчалик шу ишни даромад манбаига айлантириш имкончилигини англадим. Биринчи марта Тошкентда, Чорсу бозорига синглим иккаламиз ҳадик ва хавотир билан сумалак олиб келганмиз. Буни қарангки, сумалагимиз бир соатга қолмай сотилиб кетган.

– Бу ишни бошлаш гоёяси қандай пайдо бўлган? Қандай қийинчиликларга дуч келгансиз?

– Пойтахтга келиб иш бошлаганимга ҳам 10 йилдан ошди. Биринчи марта танишларимга Наврўз байрами учун сумалак пишириб бергандим. Ушанда кўпчилик мақтади, яна тайёрлаб беришимни сўради. Шундан кейин бу ишни жиддий бошлашга қарор қилдим. Энг катта қийинчилик – маблаг ва меҳнат эди. Сумалак пишириш осон эмас: бугдой ундириш, кечаси билан қозон бошида туриш, махсулотларни тайёрлаш... Баъзан чарчоқ ҳам босарди. Лекин сабр қилиб давом этдим. Мавсум давомида ўнлаб қозон сумалак пишираман. Баъзан кунига бир неча жойга ҳам улгураман. Олдиндан буюртмаларни ёзиб оламиз. Қайси маҳаллада қачон байрам бўлса, ўша ерга бориб, жамоа билан бирга тайёрлаб берамиз. Бу ҳам одамлар билан яқинлашишга сабаб бўлди.

– Сумалак тайёрлашда сиз амал қиладиган ўзига хос сир ёки усуллар борми?

– Энг асосий сир сабр, меҳнат ва меҳр. Сумалакни шоммасдан, яхши ният билан тайёрлаш керак. Шунда унинг таъми ҳам бошқача бўлади. Сумалакнинг самарқандча, қашқадарёча ва тошкентча тайёрландиган усуллари бор. Аслида уларнинг тайёрлашнинг бир хил, аммо сақлашни шароитини ҳисобга олган ҳолда бироз суяроқроқ ёки куюроқроқ қилиб тайёрлашади. Тошкентда об-ҳаво нисбатан тез исиб сумалакни узоқ муддат сақлашнинг имкони бўлмай қолиши мумкин, шунинг учун ҳам суяроқроқ қилиб тайёрланади. Вилоятларда эса бунинг акси.

– Меҳнатга муносиб муқофот ҳам бўлмоғи лозим. Агар сир бўлмаса, сумалак ортида топаётган даромадингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

– Бир мавсумда даромадимиз ўртача 120–150 миллион сўмини ташкил этади. Йиллар давомида меҳнат қилдим, ишонч орттирдим. Ҳар бир буюртмага маъсулият билан ёндашдим. Одамлар ишончи ошгани сари даромад ҳам кўпайишини англаб етдим. Даромадимни асосан оила эҳтиёжлари, рўзгор ва яна ишни кенгайтиришга сарфлайман. Лекин энг катта қувончим – бошқаларга ёрдам бера олаётганим. Тўрт нафар талабанинг контракт тўловларини тўлаб бераман. Уларнинг икки нафари ўзининг қизларини бўлса, қолгани шогирдларим. Улар турли йўналишда ўқийди. Ўқийдиган бўш вақтларда менга қўмақлашади.

– Сумалакнинг ширин бўлиши ундирилган бугдойга боғлиқ, лекин агар меъёридан ортиқ ўстирилса сумалакнинг таъми бузилади, дейишди. Агар буюртма бўлмай қолса, ундирилган бугдойларини нима қиласиз?

– Дастлаб иш бошлаганимда битта қозонимиз бор эди. Шундан келиб чиқиб бугдой ундирар эдик. Бугун бир вақтингиз ўзида 5 та қозонда сумалак тайёрлаш имкониятимиз бор. Авваллари мавсумда кўпи билан 150 литр тайёрлаган бўлсак, ҳозир 250 литргача махсулот тайёрлаймиз. Умуман олганда, ҳеч қандай буюртма бўлмаган тақдирда ҳам биз бозор учун махсулот тайёрлаймиз.

– Сизнингча, бугунги кунда аёллар учун тадбиркорлик қилиш қанчалик муҳим? Бу ишни бошламоқчи бўлган аёлларга қандай маслаҳатлар берган бўларингиз?

– Жуда муҳим. Сўнги вақтларда кўпчиликда боқимандалик кайфияти ортиб бормоқда. Айниқса, ишисизман дея соғлом кишиларнинг бекор юриши мени ранжитди. Аёл ҳам оилага ёрдам бера олади, хунари бўлса бўлди-да! Энг асосийси ўзига ишонч. Меҳнатдан қочмаслик керак. Келгусида ушбу кичик ишимни янада кенгайтирмоқчиман. Ишисиз хотин-қизларни банд қилиш, доимий даромад манбаига эга бўлишлари учун қўмақлашмоқчиман.

Дилмурод МАҲРАМОВ суҳбатлашди

# ВИЖДОН СОЛИҒИ:

## ВАТАН БОЙЛИГИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Абадий ҳақиқатлар



Давлатчилик пайдо бўлган илк даврларданоқ жамиятни бошқариш, тартиб-интизомни таъминлаш ва умумий эҳтиёжларни қондириш учун муайян молиявий манба зарур бўлган. Ана шу эҳтиёж солиқ тизимининг вужудга келишига замин яратган. Тарихий манбаларга кўра, солиқ илк бор қадимги Миср, Бобил ва Хитой цивилизацияларида учрайди. У даврларда солиқ пул шаклида эмас, балки дон, чорва, меҳнат хизмати ёки ҳосилнинг маълум қисми сифатида йиғилган. Бу ресурслар давлатни бошқариш, қўшинни таъминлаш, йўллар ва сув иншоотларини барпо этиш каби умумий эҳтиёжларга сарфланган. Шу маънода солиқ давлатчилик тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий механизм сифатида шаклланган. Бугун ҳам солиқ давлат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг муҳим молиявий таянчи ҳисобланади.

Муҳиддин ОМАД,  
"Адолат" СДП Наманган вилоят  
кенгаши матбуот котиби

Жамият тараққиёти ҳақида сўз юри-тилганда, кўпинча катта лойиҳалар, осмонпар бинолар ёки иқтисодий кўрсаткичлар тилга олинади. Бироқ ҳар қандай давлатнинг ҳақиқий қудрати фақат кўзга кўринадиган бойликлар билан эмас, балки жамият ҳаётини мустақкам ушлаб турадиган маънавий ва фуқаролик омиллари билан белги-ланади. Ана шундай омиллардан бири – солиқ маданиятидир.

СОЛИҚ – БУ ШУНЧАКИ ДАВЛАТ ОЛАДИГАН МАБЛАҒ ЭМАС. У ФУҚАРО ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ВА КЕЛАЖАК АВЛОД ТАҚДИРИГА ҚАРАТИЛГАН САРМОЯДИР. АСЛИДА ҲАР БИР ҲАЛОЛ ТУЛАНГАН СОЛИҚ ОРТИДА ИНСОННИНГ ВАТАН РАВНАҚИГА ҚЎШЛАН ҲИССАСИ, УНИНГ ЮРТГА БЎЛГАН САДОҚАТИ МУЖАССАМ.

Халқини ҳурмат қиладиган, Ватанини севадиган, виждони пок ҳар бир фуқаро – у юқори лавозимли амалдор бўладими ёки оддий ишчиси – ўз меҳнати билан топан даромадидан қонуний равишда ва ўз вақтида солиқ тўлаб бурса, давлат, албатта, қудратли, обод ва тараққий этган мамлакатга айланади. Чунки давлат хазинаси – бу бир инсон ёки бир гуруҳнинг эмас, бутун халқнинг умумий бойлигидир.

Давлат хазинасига тушадиган маблағлар қанча кўп ва барқарор бўлса, унинг самараси ҳам халқ ҳаётида шунча кенгаймоғи бўлади. Мактаблар қурилади, ҳа-

болалар боғчалари замонавий жиҳозлар билан таъминланади, университетлар илм-фан марказига айланади. Тиббий муассасалар янги ускуналар билан жиҳозланади, йўллар таъмирланади, кўприклар барпо этилади, инфратузилма ривожланади. Яъни, буён тулганган солиқ – эртанги кунимизнинг пойдевори, фарзандларимиз келажагига қўйилган мустақкам гишдир.

Халқимизда азалдан: "Ҳалолдан топилган молда барака бўлади", деган ҳикматли гап бор. Бу шунчаки ўйлаб топилган ибора эмас. У асрлар давомидаги ҳаётий тажриба, меҳнат ва ҳалоллик қадриятларининг хулосасидир. Ҳалол меҳнат билан топилган, адолатли тақсимланган ва халқ манфаатига сарфланган бойлик инсон ҳаётига ҳам, жамият тараққиётига ҳам барака олиб келади.

Оталардан мерос бўлиб келаётган "Бирни берсанг, ўрни оласан", деган ҳикмат бор. Бунинг маъноси ҳам жуда чуқур. Инсоннинг жамият учун, халқ учун, Ватан равнақи учун қилган ҳар бир хайрли иши эртанги-кечми ўзига кўпайиб қайтади. Солиқ ҳам ана шундай хайрли ҳиссалардан бири ҳисобланади. Бунинг натижасида жамият ривожланади, одамларнинг ҳаёт сифати ошади.

Бироқ айримлар солиқни фуқаролик бурчи деб эмас, балки ортиқча чиқим сифатида қабул қиладди. Бундайлар топан даромадларини яширишга ҳа-

ракат қилиб, ҳужжатларни расмийлаштирмасликка уринади, даромадни кам кўрсатади ёки умуман, солиқ тўла-масликка интилади. Бу ҳолат улар наздида "эпчиллик" ёки "уддабуронлик" бўлиб туюлиши мумкин. Аслида эса бундай "уддабуронлик" жамият манфаатига қарши қилинган ишдир. Солиқдан яширилган ҳар бир сўм – бу қурилмай қолган мактаб, таъмирланмаган йўл, олинмаган тиббий жиҳоз ёки қўллаб-қувватланмаган муҳтож оила демакдир. Энг ачинарлиси, бу ҳолат инсоннинг виждони олдидаги қарзини ҳам орттиради.

Шу боис солиқ тўлашни фақат қонун талаби сифатида эмас, балки виждон амри, фуқаролик масъулияти ва Ватанга бўлган садоқат белгиси сифатида қабул қилиш лозим. Чунки ҳалолдан топиб, тулланган ҳар бир солиқ – бу юрт равнақи учун қўшилган улкан ҳисса, давлат тараққиёти учун аталган муносиб тўхфадир.

Яна бир масала шундаки, айрим "ишбилармон"лар яширин йўллар билан орттирган бойликларини чет эллардаги банкларга жойлаштириб, хорижий мамлакатларда қозоналар сотиб олиш ёки қуришга интилади. Натижада улкан маблағлар бошқа давлатлар ҳиссасидеги боитишга хизмат қиладди. Аниқроқ айтганда, бошқа мамлакатлар хазинаси тўлади, уларнинг инфратузилмаси ривожланади, мактаблари ва университетлари замонавийлашади. Аммо бу бойликларнинг ҳақиқий манбаи бўлган юрт, афсуски, бундай имкониятдан маҳрум бўлиб қолади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: НЕГА АЙРИМ ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЗ ЮРТИ РАВНАҚИ УЧУН МАБЛАҒ САРФЛАШГА КЕЛГАНДА ҚЎЛИНИ ОРҚАГА ТОРТАДИ? АХИР ВАТАН – БЕГОНА ЖОЙ ЭМАС-КУ! БУ БИЗНИНГ ОТАМЕРОС УЙИМИЗ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛ ТОПАДИГАН МАКОН,

Чунки, Ватан – бу фақат яшайдиган, даромад топадиган, айшу ишрат қилиб, қандайдир кўшиқни хиргойи қилиб юрадиган жой эмас. Ватан – бу ўтмиш ва келажақни боғлаб турувчи муқаддас бешик. Уни ҳар биримиз ҳалол меҳнатимиз, пок виждонимиз ва адолатли солиқ маданиятимиз билан обод қилишимиз, авайлаб-асрашимиз шарт. Ана шунда кўз ўнгимизда ҳақиқий тараққиёт юзага келади.

КЕЛАЖАГИМИЗ ҚУРИЛАДИГАН ЗАМИНИМИЗ ЭМАСМИ? ШУ ЮРТГА ЎСИБ-ЎЛГАЙИБ, ТАЪЛИМ ОЛИБ, ШУ ЮРТИНИНГ НОНУ ТУЗИНИ ТАТИБ, АЙТГАН РАҲМАТИМИЗ ШУМИ?

Дунёда тараққий этган давлатлар тасодифан ривожланиб кетган эмас. Улар фуқаролик масъулияти, қонунга ҳурмат ва солиқ маданияти орқали шу даражага етган. У томонларда одамлар солиқни жазо ёки мажбурият деб эмас, балки жамият тараққиётига қўшилган ҳисса сифатида қабул қиладди. Шу боис давлат ва жамият ўртасида ишонч муҳити шаклланади.

Биз эса кўпинча шундай мамлакатларга ҳавас билан қараймиз. Аммо савол туғилади: қачонгача фақат ҳавас билан чекланамиз? Нима учун ўз юртимизни ҳам ана шундай тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун жиддий ҳаракат қилмаймиз?

Нега баъзан турмушимиздан нолиб, тақдиримизни айблаб, бир-биримиз билан баҳслашиб, беҳуда сарф-харажатлар огушида яшашда давом эта-миз? Аслида тараққиётнинг йўли жуда оддий: ҳалол меҳнат, адолатли даромад ва виждон билан тулланган солиқ.

Такрор бўлса ҳам, яна қайтараман – чин қалбдан тулланган солиқ туфайли давлат хазинаси бойийди. Бу эса келажақ авлод учун қолдириладиган энг катта меросдир. Чунки ҳақиқий бойлик фақат шахсий мол-мулк ёки қозоналар эмас. Ҳақиқий бойлик – бу тараққий этган жамият, адолатли тизим ва барқарор келажаққа ҳолис ҳисса қўшишдир.

Бу масалада даромад топаётган ҳар бир инсоннинг масъулияти баробар. "Мен тўламайман!" дейишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Солиқдан қочиб топилган бойлик инсонга вақтинчалик фаровонлик бериши мумкин. Аммо ишонч билан айтиш мумкин, бундай бойликда барака бўлмайди. Чунки барака – ҳалолликдан, адолатдан ва жамият манфаати учун қилинган хизматдан келади.

Шунинг учун ҳар бир инсон ўзидан: "Мен Ватаним тараққиёти учун қандай улш қўшаёман?" дея сўраши керак. Агар бу саволга ҳар биримиз виждон олдида қийналмасдан жавоб бера оласак, жамият ҳам, давлат ҳам, келажақ ҳам, албатта, ўзгаради.

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА  
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ  
Наримон УМАРОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Гавхар АЛИМОВА  
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖЎРАЕВ  
Озода ПАРШИБОВЕВА  
Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Талъат МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75  
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан  
чиқиб бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев  
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

НАШР  
КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5217



Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани "Шарк тонги" кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 401

Адади – 4 012  
Босишга топириш вақти – 21.00  
Босишга топирилди – 21.10

Баҳоис келишилган нархда

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жаобгар эмас.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

"Шарк" НМАК боғинонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ADOLAT

Муассис: "Адолат" СДП Сийсий Кенгаши



QR коди  
орқали  
газетанинг  
электрон  
вариантини  
юклаб олинг!